

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ ДИЛМУРОД ХУРСАНОВИЧ

**ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ УЧУН НООРГАНИК ВА ОРГАНИК
ЯРИМЎТКАЗГИЧ БИРИКМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

УДК: 667.287.5; 667.287.53; 667.287.548.

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Шукуров Дилмурод Хурсанович

Қуёш элементлари учун ноорганик ва органик
яримўтказгич бирикмалар олиш технологиясини яратиш..... 3

Шукуров Дилмурод Хурсанович

Разработка технологии получения неорганических и органических
полупроводниковых соединений для солнечных элементов..... 21

Shukurov Dilmurod

Creating of technology for obtaining inorganic and organic
semiconductor compounds for solar cells..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУКУРОВ ДИЛМУРОД ХУРСАНОВИЧ

**ҚУЁШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ УЧУН НООРГАНИК ВА ОРГАНИК
ЯРИМЎТКАЗГИЧ БИРИКМАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2749 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tersu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Каримов Маъсуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Султонов Баходир Элбекович
техника фанлари доктори, профессор

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» ____ 2022 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Умбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доц.

Ш.А.Касимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д., доц.

Р.В.Алиқулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли сони ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бориши сабабли энергияга бўлган талаб ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Дунё мамлакатлари, шунингдек Республикаимизнинг ҳам энергия билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал этишда энг самарали бўлган ечимлардан бири бу қуёш энергиясидан фойдаланишдир. Шу сабабли қуёш энергияси арзон ва экологик тоза ресурслардан бири бўлиб, ноорганик ва органик яримўтказгич материаллар асосида арзон ва истиқболли қуёш элементларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда яримўтказгич полимерлар ва фталоцианин асосидаги бўёқ моддаларга асосланган янги қуёш элементларини яратиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада яримўтказгич полимер материаллар, металл ва металлмас атомлар сақлаган фталоцианин бўёқ моддаларига асосланган қуёш нурларига сезгир бўёқлардан олинган қуёш элементлари ҳозирда мавжуд қуёш элементлари ичида ўзининг мослашувчан содда тузилиши, экологик тозаллиги, иқтисодий самарадорлиги, техник жиҳатдан хавфсизлиги туфайли сўнги йилларда мавжуд ноорганик ва органик яримўтказгич моддалар асосида супернанокомполиторлар ҳосил қилиш ва уларни индий, таллий оксидларининг ўрнини босувчи яримўтказгич бирикмалар сифатида ишлатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги яримўтказгич бирикмалар олиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилмоқда, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, ноорганик ва органик яримўтказгич материаллари ҳамда қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар олинган. Шу боис ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»¹га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, анилин ва фталоцианин асосида қуёш нурларига сезгир яримўтказгич бўёқ моддаларни ишлаб чиқариш учун иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза технологияларни яратиш, улар ёрдамида қуёш элементлари конструкцияларининг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларининг ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» ҳамда II. «Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш» каби устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича яримўтказгич полимерлар ва металлорганик комплекс бўёқ материаллар синтези ва улар асосида янги куёш нурларига сезгир бўёқ моддалар асосида олинган куёш элементларини яратиш соҳасидаги тадқиқотларни амалга ошириш борасида назария ва амалиётда Милакин К.А., Коровин А.Н., Фарис Йилмаз, Хидеки Ширикава, Алан Хегер, Алан Мак-Диармид, Верницкая Т.В., Ефимов О.Н., Маноҳар, Хиаору Гоу, Ганхуа Лу, Жунхонг Чен, Nailiang Yang, Андрей Т. Смиц, Анна Марие Ла Чансе, Сонгшан Зенг, А.Т.Дидейкин, Александр Юрьевич Вул, Хандан Айдын, Хамит Ализ, Джихат Айдин, Килимник А.Б., Михаил Грецель, Брейн Ореган, Кондракова Е.Ю., А.Т.Джалилов, С.Ш.Рашидова, Х.Х.Тураев, Х.С.Бекназаров, А.Т.Тиллаев ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Илмий изланишлар натижасида ушбу олимлар томонидан яримўтказгич полимерлар ва таркибида металл ва металлмас атомлар сақлаган фталоцианин комплекс бирикмаларини синтез қилиш, шунингдек, боғланган мураккаб ароматик лигандлар, карбамид, фтал ангидрид, фосфор, азот, кремний ва галогенларни ўз ичига олган бўёқ моддаларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш каби масалаларни ўрганишда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ноорганик ва органик яримўтказгич бирикмалар асосида олинган композитларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш, ишлаб чиқаришга қўйилган кремний асосидаги куёш панелларнинг ўрнини боса оладиган яримўтказгич полимерлар ва фталоцианин асосидаги бўёқ моддаларни учинчи авлод куёш элементлари деб юритилаётган куёш нурларига сезгир бўёқлардан куёш элементларини олишда қўллаш бўйича кенг кўламдаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети ҳамда Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф7-34 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.), МУ-ФЗ-201910142 «Минераллашган қувур, фитинг, панел ва пол қопламалари ишлаб чиқишнинг инновацион технологиясини яратиш» (2020-2022 йй.) ва А12-003 «Органик бўёқлар ва кремний сақловчи полимерларни саноатда ишлаб чиқариш технологияси» (2014-2015 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуёш нурларига сезгир бўёқлардан қуёш элементларини олиш учун юқори ассимиляция коэффициентига эга, янги, самарали органик ва ноорганик яримўтказгич сезгир бўёқ моддалар олиш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анилин ва фталоцианин асосида қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар синтези;

анилин ва фталоцианин асосида қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар синтез жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш;

синтез қилинган таркибида кремний, мис ва рух сақлаган фталоцианин бўёқ моддаларнинг УБ-спектрофотометр ва вольт-ампер таҳлил натижаларидан уларнинг фотосенсибилизаторлик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

олинган анилин ва фталоцианин асосидаги бўёқ моддаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқотнинг замонавий усуллари ёрдамида аниқлаш;

қуёш нурларига сезгир бўёқлар асосида олинган қуёш элементларининг тузилиши ва ишлаш принципини тадқиқ этиш;

анилин ва фталоцианин асосида бўёқ моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида анилин ва фталоцианин асосидаги қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар ҳамда титан диоксиди ва махсус шаффоф шиша пластинкаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида анилин ва фталоцианин асосида қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар олиш жараёнлари, технологияси ҳамда махсус шаффоф шиша пластинка ёрдамида контакт ҳосил қилиш натижасида ўлчанган солиштирма қаршилик, кучланиш ва ток кучи қувватлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Анилин ва фталоцианин асосида бўёқ моддалар синтези ва улардан қуёш элементлари учун сезгир бўёқ сифатида қўлланилиш жараёнларини тадқиқ этишда инфрақизил спектроскопия (ИК), рентгенфаза (РФА), сканерловчи электрон микроскопик (СЭМ), УБ-спектроскопия ва дифференциал сканерлаш калориметрияси (ДСК) таҳлил усуллари ҳамда солиштирма қаршилик, кучланиш ва ток кучи қийматларини аниқлаш каби замонавий экспериментал тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

анилин ва фталоцианин асосида PANI, SiPc, ZnPc, CuPc маркали қуёш нурларига сезгир яримўтказгич бўёқ моддалар олинган;

таркибида кремний, мис ва рух сақлаган сезгир бўёқ моддаларни олишнинг оптимал шароитлари аниқланган;

синтез қилинган таркибида кремний, мис ва рух сақлаган фталоцианин бўёқ моддаларнинг спектрофотометрик ва вольт-ампер таҳлил натижалари асосида фотосенсибилизаторлик хусусиятлари аниқланган;

олинган бўёқ моддаларнинг кучланиш қийматлари SiPc<ZnPc<CuPc<PANI қаторида ортиб бориши ва ток кучи қийматлари SiPc>PANI>CuPc>ZnPc қаторида камайиб бориши аниқланган;

анилин ва фталоцианин асосида қуёш элементлари учун сезгир бўёқ моддалар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

анилин, рух хлорид, мис сульфат, фтал ангидрид, карбамид, тетраэтоксисилан асосида яримўтказгич бўёқ моддалар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

анилин ва фталоцианин асосида PANI, SiPc, ZnPc, CuPc маркали қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

олинган яримўтказгич бўёқ моддаларнинг қуёшдан тушаётган қўринадиган ва инфрақизил нурларга сезгир фотосенсибилизаторлик қобилияти аниқланган;

синтез қилинган SiPc, ZnPc, CuPc, PANI маркали яримўтказгич бўёқ моддалар учинчи авлод қуёш элементлари бўлиб, фотосенсибилизатор сифатида фойдали иш коэффициенти 5-6% гача ошиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги, хулосалар ва тавсияларнинг асослилиги учун, олинган бирикмаларни идентификациялашда замонавий кимёвий, физик-кимёвий ва физикавий (ИК, УБ спектрометрия, СЭМ, ЭА, РФА, ДТГА, ДСК, рақамли Ц300 ва ДТ9205А мультиметрлар) тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анилин ва фталоцианин асосида PANI, SiPc, ZnPc, CuPc маркали қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар олиш, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган PANI, SiPc, ZnPc, CuPc маркали бўёқ моддалар яримўтказувчанлик ва оптик хоссаларни намоён қилиши натижасида қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар асосида ишлайдиган қуёш элементларида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қуёш элементлари учун ноорганик ва органик яримўтказгич бирикмалар олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анилин ва фталоцианин асосида қуёш нурларига сезгир бўёқларни ишлаб чиқариш технологияси “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида амалиётга жорий қилинган (“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг 2022 йил 28 апрельдаги 33-сон маълумотномаси). Натижада, қуёш элементлари учун фотосенсибилизаторлик қобилияти юқори бўлган ПФ-ZnPc-115 маркали қуёш нурларига сезгир бўёқларни олиш имконини берган;

анилин мономерлари ва фталоцианин асосида олинган бўёқ моддалар “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида қуёш элементлари олишда амалиётга жорий қилинган (“BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг 2022 йил 28 апрельдаги 33-сон маълумотномаси). Натижада, синтез қилинган SiPc, ZnPc, CuPc, PANI маркали яримўтказгич бўёқ моддалар асосида фойдали иш коэффициенти 5-6% бўлган учинчи авлод қуёш элементлари олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 4 та Республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Яримўтказгич материаллар яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар маълумотлари асосида яримўтказгич полимерлар ва фталоцианин асосида бўёқ моддалар синтез қилишнинг замонавий усуллари ҳамда қўлланилиши, дунёда ва республикамизда яримўтказгич органометалл комплекс бўёқ моддаларнинг олиниши ва уларни

янги қуёш нурларига сезгир бўёқлар асосида ишлайдиган қуёш элементларида қўлланилиши, шунингдек, сезгир бўёқ моддаларнинг ўзига хос фотохимёвий тавсифи ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.


Анилин ва фталоцианин асосида яримўтказгич бўёқ моддаларни синтез қилиш ва физик-химёвий хусусиятларини, шунингдек, сезгир бўёқларнинг фотосенсибилизация хусусиятларини ўрганиш бўйича адабиёт маълумотлари тизимлаштирилган ҳамда бу тадқиқотлар истиқболли йўналишлардан бири эканлиги тадқиқ этилган.

Диссертациянинг **“Қуёш элементларини олиш учун ишлатиладиган яримўтказгич полимер моддалар ва фталоцианин асосидаги фотокондуктив бўёқ моддалар синтези ва уларнинг тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобда қўлланилган материалларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ҳамда анилин ва фталоцианин асосида бўёқ моддалар синтези ёритилган.


Анилин ва аммоний персульфат асосида полимер бўёқ модда синтези.

Дастлаб реакцияга киришаётган моддалардан аммоний персульфат ва анилиндан 1:1 моль нисбатда тарозида ўлчаб олинди. Ўлчаб олинган анилиннинг устига 75 мл 1 М НСl кўшиб, 400 мл стаканда эритилиб, 10°С ҳароратда сақланади. Хлорид кислота эритмасидан кўшиб аралаштирилган эритма рангсиз ҳолатда бўлади. Кейин, ўлчаб олинган аммоний персульфатнинг 10 фоизли эритмасини 70 мл 1 М НСl да бошқа 400 мл стаканда эритилиб, бу эритма ҳам 10°С да сақланади. Анилин ва хлорид кислотали аралашма устига аммоний персульфатли эфирмадан секинлик билан томчилатиб кўшиб, реакция юқоридаги ҳароратда олиб борилади. Реакцияни 30 дақиқа давомида ўртача тезликда аралаштириб турган ҳолда ҳарорат 0°С да доимий ушлаб турилди. Эритманинг ранги аста секин кўкариб кейин қизғиш-яшил рангга ўзгаришидан полиэмералдин яъни, оралик маҳсулот ҳосил бўлганлигини билдиради. Яна 30 дақиқадан сўнг, чўкма Бюхнер варонкаси устига йиғилиб сув аспиратори билан бир неча марта ювилади. Олинган эритмадан полианилин кукунини ажратиб олиш учун уни Бюхнер варонкаси ёрдамида филтрланади, сўнгра олинган филтратни қайта қуритиш учун вакуумли қуритиш шкафида 60°С да 24 соат давомида қуритилди. Қуритиб олинган тўқ бинафша рангли полианилин кукуни органик эритувчиларда эрийди. Жараён унуми 89,4% ни ташкил этди. Реакция унумининг юқори бўлиши дастлабки реактивларнинг тозаллиги, аралаштириш тезлиги ва оксидловчининг қўшилиш тезлигига, шунингдек, реакцияни имкон қадар паст ҳароратда олиб боришга боғлиқ бўлади.

Қуйидаги реакцияларда анилин гидрохлоридни аммоний персульфат билан оксидланиш полимеризация усули натижасида полианилин (зумрад, полиэмиралдин) гидрохлориднинг олиниш реакция жараёнлари келтирилган:



Иккинчи реакциямизда, полиэмиралдин гидрохлорид тузи ишқорий мухитда депротонацияланиши натижасида полианилин (зумрад) асоси ҳосил бўлиш реакция жараёнлари келтирилган.



Анилин, аммоний персульфат, 1 М хлорид кислота ва аммиак эритмаси иштирокида полианилин олиш жараёнида ҳосил бўлган маҳсулотнинг унумига анилин концентрациясининг боғлиқлиги, реакциянинг давом этиш вақти ва реакцияни олиб бориш ҳароратлари фарқини ўрганиш таҳлил маълумотлари 1-жадвалда келтирилган. Натижада, анилин, аммоний персульфат, 1М хлорид кислота ва аммиак эритмаси иштирокида полианилин олиш жараёнида ҳосил бўлган маҳсулотнинг унумига анилин концентрациясининг 1:1 моль нисбатда олинган реакцияда, реакциянинг давом этиш вақти 2 соат давомида ва реакцияни олиб бориш ҳарорати 0°С да олиб борилган жараёнда ҳосил бўлган маҳсулотнинг чиқиш унуми 89,4% бўлиши аниқланди.

1-жадвал

Маҳсулотнинг унумига реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрацияси, вақт ва ҳароратлар боғлиқлиги


Бошланғич маҳсулотларнинг моль нисбати	Реакциянинг давом этиши вақти, (соат)	Реакциянинг ҳароратга боғлиқлиги, °С	Реакцион унуми%
анилин - аммоний пероксодисульфат-НСl			
0,1:1:1	3	-10	75
0,5:1:1	2,5	-5	80
1:1:1	2	0	89,4
1,5:1:1	1,5	10	70
2:1:1	1	25	72

Таркибида кремний сақлаган фталоцианин бўёқ моддаси синтези.

Кремний сақловчи фталоцианин бўёқ моддасини синтез қилиш учун янги таркибли катализатордан фойдаланиб жараён амалга оширилди. Тетраэтоксисилан, карбамид ва фтал ангидрид асосида янги турдаги таркибида кремний сақловчи фталоцианин бўёқ моддаси синтез қилинди. Бунинг учун 400 мл ҳажмли термобарқарор стаканга 4,16 гр (0,04 моль) тетраэтоксисилан, 10,68 гр (0,04 моль) фтал ангидрид, 19,2 гр (0,16 моль) карбамид ва умумий массага нисбатан 1% миқдорда катализатор қўшиб аралаштирилди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган қиздириш печидаги ҳарорат 250°С га етганда стакандаги реакция аралашмани печга 2,5 соат давомида қолдирилди. Натижада, рангсиз реакция аралашма ҳарорат тасирида


реакцияга киришиб кўнғир рангли кукунсимон массага айланиб қолади. Уни печдан олиб, хона ҳароратида совутиб устига 96% ли концентрланган сульфат кислота эритмасида 30 дақиқа давомида аралаштириб турган ҳолда эритилди.

Қўйидаги реакцияда тетраэтоксисилан, карбамид, фтал ангидрид ва катализатор иштирокида таркибида кремний сақловчи фталоцианин бўёқ модданинг олиниш реакция жараёнлари келтирилган:




Жараённинг охирида, қўшимча тозалаш, эритиш ва нейтраллашдан сўнг кўк-яшил кристаллар пайдо бўлиб, стакан тубига чўка бошлайди. Олинган чўкмани қайта-қайта сув билан нейтраллаб, сўнгра Бюхнер воронкасида филтрлаб, бир неча мартаба дистилланган сув билан ювиб олинди. Ювиб олинган маҳсулотни қуритиш печида 60°C ҳароратда 12 соат давомида қуритилди. Қуритиб олинган тўқ кўк рангли пигмент диметилформамид ва N-метил пиридонда эритилди. Олинган маҳсулотнинг унуми 80% ни ташкил қилди.

1-расмда таркибида кремний сақлаган фталоцианин бўёқ модданинг ИҚ-спектри ва сканерловчи электрон микроскопдаги элементлар таҳлили келтирилган.



(а)




(б)

1-расм. Кремний сақловчи фталоцианин бўёқ модданинг (SiPc) ИҚ-спектри (а) ва сканерловчи электрон микроскопдаги элементлар таҳлили (б).


Ароматик халқадаги ютилиш частоталари $1467,83 - 1487 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда изоиндол гуруҳларга тегишли бўлган ютилиш чўкқиларини намоён қилди. $1519,91 \text{ см}^{-1}$ соҳада $-N=$ боғи борлиги кузатилди. $1604,77 \text{ см}^{-1}$ ютилиш соҳаси $C=C$ гуруҳга тегишли бўлган боғи мавжудлиги қайд этилди. Текисликда $C-H$ боғига тегишли бўлган $1303,88 \text{ см}^{-1}$ ютилиш частоталари мавжудлиги кузатилди. 1051 см^{-1} ютилиш соҳасида $Si-O-$ боғларига тегишли бўлган тебранишлар мавжудлигини кўриш мумкин. $954,76 \text{ см}^{-1}$ соҳаларда бензол халқасига мансуб тебранишлар мавжудлигини кўриш мумкин. $746,45 \text{ см}^{-1}$ фталоцианин халқаларига тегишли бўлган ютилиш частоталарига эга эканлиги қайд этилди.

Рух фталоцианин бўёқ моддасининг синтези

Рух фталоцианин бўёқ моддасини синтез қилишда бизга рух хлорид, карбамид, фтал ангидрид ва катализатор керак бўлди. 400 мл ҳажмли термобарқарор стаканга 2,72 гр (0,02 моль) рух хлорид, 11,84 гр (0,08 моль) фтал ангидрид, 9,6 гр (0,16 моль) карбамид ва умумий массага нисбатан 1% миқдорда катализатор сифатида натрий боргидрид қўшиб аралаштирилди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган қиздириш печидаги ҳарорат 250°C га етганда стакандаги реакция аралашмани печга 2,5 соат давомида қўйдик. Натижада, рангсиз реакция аралашма ҳарорат таъсирида реакцияга киришиб қўнғир рангли кукунсимон массага айланиб қолади. Уни печдан олиб, хона ҳароратида совутиб устига 96% ли концентрланган сульфат кислота эритмасида 30 дақиқа давомида аралаштириб турган ҳолда эритилди. Олинган чўкмани қайта-қайта сув билан ювиб чўктирилди ва аммиак эритмаси билан нейтраллаб сўнгра Бюхнер воронкасида филтрлаб, бир неча мартаба дистилланган сув билан ювиб олинди. Сўнгра олинган маҳсулотни қуритиш печида 60°C ҳароратда 12 соат давомида қуритилди. Синтез жараёни қуйида кўрсатилган механизм бўйича амалга оширилди:



Модданинг элемент таркиби ҳар қандай ишлаб чиқаришда ишлатилаган хомашёни, ишлаб чиқаришни ҳамда маҳсулотларни назорат қилиш учун маълум бўлиши керак. Шунини ҳисобга олиб, олинган рух фталоцианин бўёқ модданинг ИҚ-спектри ва сканерловчи электрон микроскопдаги элементлар таҳлили қуйидаги 2-расмда келтирилган.




2-расм. Рух фталоцианин (ZnPc) бўёк моддасининг ИҚ-спектри (а) ва сканерловчи электрон микроскопдаги элементлар таҳлили (б).

Рух фталоцианин комплексининг яқин 400 см^{-1} ва узоқ 4000 см^{-1} инфрақизил тўлқин узунлиги соҳасида жойлашган ютилиш спектрлари кўрсатилган. $3057,42\text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чизиқлари С-Н боғига тегишли эканлигини кўриш мумкин. С=С боғига тегишли тебранишлар $1603,38\text{ см}^{-1}$ ютилиш чизиқларига тегишли эканлиги кузатилди. Ароматик халқанинг ютилиш чизиқлари $1486-1467\text{ см}^{-1}$ соҳаларда изоиндолга тўғри келиши кузатилди.

Ютилиш чўққилари $1357,72\text{ см}^{-1}$ ларда жойлашган валент тебранишлар пиррол халқага тегишли эканлиги кузатилди. Бензол халқаларининг ютилиш соҳаси 947 см^{-1} , шунингдек, фталоцианин халқаларига тегишли бўлган ютилиш соҳасилари $745,36\text{ см}^{-1}$ минтақада кузатилди.

Диссертациянинг “Қуёш элементлари учун ишлатиладиган органик ва ноорганик яримўтказгич бирикмаларнинг хоссалари ва уларнинг тадқиқоти” деб номланган учинчи бобида анилин ва фталоцианин асосида олинган яримўтказгич бўёқ моддаларни сканерловчи электрон микроскопик (СЭМ), рентген фазовий, УБ-спектроскопия ва дифференциал сканерлаш калориметрияси (ДСК) таҳлил усуллари ҳамда солиштирма қаршилик, кучланиш ва ток кучи қийматларини аниқлаш учун Ц300, ДТ 9205А маркали мультиметрлар каби замонавий экспериментал тадқиқот усулларида фойдаланиб уларнинг физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилган.

Синтез қилинган яримўтказгич полианилин бўёқ модданинг термик барқарорлигини текшириш учун дифференциал-термик ва термогравиметрик усулларда таҳлил қилинди. Олинган дериватограмма 3-расмда келтирилган.



3-расм. Полианилиннинг термик анализи.



Термик таҳлиллар 100°C дан 600°C гача ҳарорат оралиғида, аргон муҳитида дақиқасига 10 градус тезликда амалга оширилди. Дифференциал-термик ва термогравиметрик таҳлил натижалари 2-жадвалда батафсил келтирилган.

2-жадвал

Полианилин бўёқ моддасининг ТГА ва ДТА эгри чизиғи натижалари таҳлили

№	Температура, °C	Йўқотилган масса, мг (2.527 мг)	Йўқотилган масса, %	Сарфланадиган энергия микдори ($\mu V \cdot s / mg$)	Сарфланган вақт (мин)	dw (мг)	dw/dt (мг/мин)
1	100	0,119	4,7	14.36	8,5	2.408	0,014
2	200	0,149	5,9	19.12	18,65	2.378	0,007
3	300	0,169	6,7	20.9	28,7	2.358	0,005
4	400	0,208	8,2	21.15	38,8	2.319	0,005
5	500	0,29	11,5	15.02	49,0.2	2.236	0,005
6	600	0,456	18,04	2.07	59,3	2.071	0,007

Қуйидаги 4-расмда полианилин бўёқ моддаси асосида ҳосил қилинган контактда ДТ 9205А рақамли мультиметр ёрдамида 12 кун давомида қувват чиқишини яъни, кучланиш (мВ) ва ток кучи (мА) қийматларини ўлчаш орқали олинган натижалар келтирилди.




4- расм. Полианилин асосидаги кўёш элементи томонидан ҳосил қилинган қувватлар (мВ) (а) ва (мА) (б)

Биз фойдаланган бўёқ модданинг олиниш усули содда ва ташқи агрессив муҳитга чидамлилиги, энг муҳими қувват чиқиши вольт-ампер қийматлари адабиётларда келтирилган қийматлардан юқори эканлиги қайд этилди. Бизнинг ўлчовларимиз давомида кунлик об-ҳаво шароитига ва куннинг қисмига қараб қувват чиқиши кучланиш ва ток кучи қийматлари бироз ўзгариб турди, шуни ҳисобга олиб, куннинг ҳар хил қисмида ўлчовлар олиниб, уларнинг ўртача қийматлари келтирилди. Юқоридаги натижалардан кучланиш ва ток кучининг энг юқори кўрсаткичи сифатида биринчи куни 700,6 (мВ), 65,45 (мА) ва энг паст кўрсаткич сифатида эса, ўлчашнинг охири куни 335 (мВ), 26,6 (мА) қийматлар қайд этилди.

Янги таркибли кремний сақловчи фталоцианин (SiPc) бўёқ модданинг термик таҳлили 20-500°C ҳарорат оралиғида амалга оширилди. Дифференциал термогравиметрик анализ эгри чизиғи (ДТГА) (2-эгри чизиқ) таҳлили шуни кўрсатадики, ДТГА эгри чизиғи асосан 2 та интенсив парчаланадиган температура оралиғида амалга ошади. 1-парчаланадиган

оралиқ 53-254°C температурага, 2-парчаланадиган оралик эса 258-479°C температурага мос келади.

5-расмда кремний сақловчи фталоцианин бўёқ модданинг (SiPc) дериватограммаси келтирилган.



5-расм. Кремний сақловчи фталоцианин бўёқ модданинг (SiPc) дериватограммаси

Юқорида, масса 100°C гача этил спирти ва намликнинг йўқотилиши эвазига 3% га камаяди. Кейинги масса йўқотилиши 150°C гача рўй бериб, бунда ортиқча карбамиднинг аммиак ажратиб парчаланиши кузтилади. 350°C дан юқорида модда суюқланади ва органик қисмлар парчаланиб имин гуруҳлари аммиак ва метангача парчаланади. 485°C дан юқорида углерод оксидан иборат қолдиқ сақланиб қолади.

Дифференциал-термик ва термогравиметрик таҳлил натижалари 3-жадвалда батафсил келтирилган.


3-жадвал

Кремний сақловчи фталоцианин (SiPc) бўёқ моддасининг ДТГА ва ДСК эгри чизиғи натижалари таҳлили

№	Температура, °C	Йўқотилган масса, %	Модданинг парчаланиш тезлиги, мг/мин	Сарфланадиган энергия миқдори (µV*с/мг)
1	50	0,946	0,147	0,25
2	100	3,082	0,122	3,55
3	200	4,621	0,489	1,01
4	300	8,606	0,197	2,02
5	400	14,21	0,235	3,02
6	500	18,32	0,235	2,14

Бу термогравиметрик тадқиқотлар натижасида кўринадикки, асосий масса йўқолиши 110-482°C оралиғида кечади. Унда асосий массанинг 18,25% яъни массанинг 3,21 мг йўқолади. 485°C дан кейин ўзгариш кузатилмайди, масса ўзгаришсиз қолади.


Кремний сақловчи фталоцианин бўёқ модданинг фотодинамик хусусиятларини ўрганиш учун унинг спектрал ютилиш хараактеристикасини таҳлил қилиш зарур. Кремний сақловчи фталоцианин (SiPc) бўёқ модданинг эритувчига нисбатан ўлчанган оптик ютилиш спектрал кенгликлари 6-расмда кўрсатилган.



6-расм. Кремний сақловчи фталоцианин (SiPc) бўёқ модданинг оптик ютилиши

Таркибида кремний сақловчи фталоцианин бўёқ моддасининг оптик ютилиши В-5000 спектрофотометрида 320 нм дан 1000 нм гача бўлган спектрал кенгликдаги тўлқин узунликларда таҳлил қилинди. Тадқиқот ишлари бўёқ модданинг 5% ва 20% ли диметилформамаиддаги эритмаларида амалга оширилди.

Қуйидаги 7-расмда мис фталоцианин бўёқ моддаси асосида ҳосил қилинган контактда ДТ 9205А мультиметр ёрдамида 15 кун давомида қувват чиқишини (мВ) ва (мА) ларда ўлчаш орқали олинган қийматлар келтирилди.



7-расм. Мис фталоцианин бўёқ моддаси асосида ҳосил қилинган контактда қувватларнинг чиқиши (мВ) ва (мА)

Мис фталоцианин бўёқ моддаси асосида ҳосил қилинган контактда ДТ 9205А мультиметр ёрдамида 15 кун давомида қувват чиқишини (мВ) ва (мА) ларда ўлчаш орқали олинган қийматлар келтирилди. Бизнинг ўлчовларимиз давомида кунлик об-ҳаво шароитига ва куннинг қисмига қараб қувват чиқиши кучланиш ва ток кучи қийматлари ўзгариб туради шуни ҳисобга олиб, куннинг ҳар қил қисмида ўлчовлар олиниб, уларнинг ўртача қийматлари келтирилди. Юқоридаги натижалардан кучланиш ва ток кучининг энг юқори кўрсаткич сифатида биринчи кун 558 (мВ), 66,58 (мА) ва энг паст кўрсаткич сифатида эса ўлчашнинг охириги куни 407 (мВ), 41,9 (мА) қийматлар қайд этилди.

Диссертациянинг “Қуёш элементларини олишда ишлатиладиган ноорганик ва органик яримўтказкич бирикмалар ишлаб чиқаришни амалга ошириш, унинг технологик схемаси ва техник-иқтисодий асосланиши” деб номланган тўртинчи бобида техник-иқтисодий ҳисоб-

китобларнинг натижалари ҳамда анилин ва фталоцианин асосидаги яримўтказгич бўёқ моддалар олиш технологияси муҳокама қилинган.

Термиз давлат университети ва Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида анилин ва фталоцианин асосида таркибида кремний, мис ва рух сақлаган бўёқ моддалар синтез қилиш технологияси ишлаб чиқилди. Натижада, қуёш нурига сезгир бўёқлар билан ишлайдиган қуёш элементларини олиш имконияти яратилди.

Полианилин бўёқ моддасини олиш учун 1-сиғимдан ҳайдаш орқали тозаланган анилин, 2-сиғимга 1 моль/л хлорид кислота эритмалари, 3-сиғимга оксидловчи модда сифатида аммоний персульфат $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$ юкланади (8-расм).



1-анилин, 2-хлорид кислота, 3-оксидловчи модда, 4-реактор, 5- дистилланган сув билан ювиб яъни, филтрланадиган калонна, 6-нейтраллаш калоннаси, 7-қуритиш шкафи, 8- майдалагич, 9-тайёр маҳсулот.

8-расм. Ноорганик ва органик яримўтказгич бирикмалар олишнинг технологик схемаси

Дастлаб, реакцияга киришаётган моддалар – анилин ва 1 моль/л хлорид кислота эритмалари тегишли миқдорда 4-реакторга туширилиб, аралаштиргич ёрдамида 10°C ҳароратда 1-2 соат аралаштирилади. Хлорид кислота эритмасидан қўшиб, аралаштирилгандан сўнг аралашма рангсиз ҳолатга келади. Кейин, ўлчаб олинган аммоний персульфатнинг 10 фоизли эритмасини 4-реакторга, анилин ва хлорид кислотали аралашма устига аста-секинлик билан 30 дақиқа давомида томчилатиб қўшиб, реакция 10°C ҳароратда ушлаб турилади. Реакцион аралашмани яна 2 соат давомида 150 айл/мин. тезликда аралаштириб турган ҳолда, ҳарорат 0°C да доимий ушлаб турилади. Ушбу реактордан кейин реакцион аралашма 5-колоннага юборилади. Бу ерда дистилланган сув билан ювиб, сўнгра филтрланади.

Шундан сўнг, олинган маҳсулотни реакцияга киришмай қолган ортикча кислота ва қўшимчалардан тозалаш ҳамда муҳит рН ини тўғирлаш учун 5-колоннадан насос ёрдамида 6-реакторга юборилади. Ушбу реакторда аммиак эритмаси билан нейтралланади ва дистилланган сув билан ювиб, сўнгра филтрланади. Шундан кейин, 7-қуритиш печига юборилади. У ерда 60°C да 12 соат давомида қуритилади. Сўнгра маҳсулотни 7-қуритиш печидан 8-майдалагичга ўтказилади. Майдаланган маҳсулот тайёр полимер бўёқ модда сифатида 9-қадоқлаш қурилмасида қопларга жойланади.

Синтез қилинган полианилин бўёқ моддани ишлаб чиқариш учун хомашё нархлари фақат бошланғич модданинг ўзи учун ҳисобланди (4-жадвал).

4-жадвал

1 тонна полианилин бўёқ моддасини ишлаб чиқариш учун хомашё нархи

№	Полианилин бўёқ модда	Хомашё нархи, кг/сўм	1 тонна полианилин олиш учун, хомашё, кг	1 тонна полианилин нархи (1000 кг) сўм
1	Анилин	175 000	354	61 950 000
2	Аммоний персульфат	38 000	402	15 276 000
3	Хлорид кислота	30 000	70	210 000
4	Амиак	7500	70	525 000
5	Сув	2000	300	600 000
Жами				78 561 000

4-жадвалда 1 тонна полианилин бўёқ модда ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари фақат бошланғич модданинг ўзи учун **78 561 000** сўм сарфланади.

Полианилин бўёқ модда ишлаб чиқариш учун барча ҳаражатлар ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотнинг бозор иқтисодиётида 1 тонна тайёр маҳсулот учун таннарх ҳисоблаб топилди (5-жадвал).

5-жадвал

1 тонна синтез қилинган полианилиннинг таннархи

№	Номланиши	Нархи, сўм
1	Ишчилар маоши	1 600 000
2	Ягона ижтимоий тўлов 15%	240 000
3	Хомашё нархи	78 561 000
4	Кўшимча ҳаражатлар (шу жумладан иссиқлик ва электр учун)	2 000 000
5	Кўзда тутилмаган ҳаражатлар	1 000 000
6	Фойда 10%	8 340 100
Жами		91 741 100
7	ҚҚС 15%	13 761 165
Умумий		105 502 265

5-жадвалдан кўринадики, 1 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча ҳаражатлар **105 502 265** сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб топилди.

Шундай қилиб, синтез қилинган полианилин бўёқ моддаси асосида қуёш нурларига сезгир бўёқлар билан ишлайдиган қуёш элементини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарага эришилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Анилин ва аммоний персульфат иштирокида полианилин бўёқ модда олишнинг паст ҳароратли оксидланиш полимеризация усули ишлаб чиқилди ва жараёнларнинг мақбул шароитлари аниқланди. Шунингдек, полианилин бўёқ модданинг яримўтказувчанлик, физик-кимёвий, фотофизик, фотодинамик ва вольт-ампер хоссалари тадқиқ қилинди. Натижада, ушбу полимер бўёқ моддасини биринчи марта янги авлод, қуёш нурларига сезгир бўёқ моддалар асосида ишлайдиган қуёш элементлари сифатида қўллаш тавсия этилди.

2. Синтез қилинган янги таркибли кремний сақловчи фталоцианин (SiPc) бўёқ модданинг таркиби ва тузилиши инфрақизил спектроскопия (ИК) ҳамда сканерловчи электрон микроскопик (СЭМ) усуллари ёрдамида аниқланди. Олинган бўёқ модданинг термогравиметрик таҳлили натижаларига кўра, унинг термик жиҳатдан барқарорлиги, таркибида кремний сақловчи фталоцианин бўёқ моддасини рентген фазавий таҳлили натижасида таркиби 38,35% кристалл ва 61,65% аморф тузилишга эга эканлиги кўрсатиб берилди.

3. Синтез қилинган мис фталоцианин бўёқ моддасининг УБ ва вольт-ампер таҳлил маълумотларига асосланиб, улардан янги, авлод қуёш элементларини яратишда қуёш нурига сезгир бўёқ модда сифатида фойдаланиш имконияти аниқланди. Олинган мис фталоцианин бўёқ моддаси асосида ҳосил қилинган контактда 15 кун давомида қувват чиқишини яъни кучланиш ва ток кучининг энг юқори кўрсаткич сифатида 568,2 мВ, 60,6 мА ва энг паст кўрсаткич сифатида эса 420,4 мВ, 31,2 мА бўлиши аниқланган.

4. Синтез қилинган полианилин ҳамда таркибида кремний, мис ва рух сақловчи бўёқ моддалар юқори интенсивлиги, таннархининг арзон эканлиги ва қуёш нурларига сезгир бўлган бўёқ моддалар асосида ишлайдиган қуёш элементини импорт қилинаётган кремний асосли панеллар ўрнида ишлатишга таклиф этилди.

5. Анилин, карбамид, фтал ангидрид, тетраэтоксисилан, рух ва мис тузлари ёрдамида фотосенсибилизаторлик хусусиятига эга бўлган яримўтказгич бўёқ моддалар олиш технологияси ишлаб чиқилди. Ноорганик ва органик яримўтказгич бирикмалар олиш технологияси “BMAX BUILDING MATERIALS” МЧЖ Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида амалиётга жорий этилди ва олинган қуёш нурларига сезгир бўлган бўёқ моддалар қуёш элементларни олиш учун қўллашга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.78.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ШУКУРОВ ДИЛМУРОД ХУРСАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ НЕОРГАНИЧЕСКИХ И
ОРГАНИЧЕСКИХ ПОЛУПРОВОДНИКОВЫХ СОЕДИНЕНИЙ ДЛЯ
СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ**

02.00.13-Технология неорганических веществ и материалы на их основе

02.00.14-Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/T2749

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tersu.uz и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Тураев Хайит Худайназарович**
доктор химических наук, профессор
Каримов Маъсуд Убайдулла угли
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Султонов Баходир Элбекович**
доктор технических наук, профессор
Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в «__» часов на заседании Ученого совета на основе Ученого совета PhD.03/30.12.2019.T.78.01 при Термезском государственном университете по адресу: 190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за № ____, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2022 г.).

И.А. Умбаров
Председатель научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., доц.

Ш.А. Касимов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.х.н., доц.

Р.В.Аликулов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученой степени, д.х.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире увеличивается спрос на энергию из года в год из-за роста населения и объемов производства. Одним из наиболее эффективных решений энергетических проблем мира, как и республики, является использование солнечной энергии. Исходя из этого, солнечная энергия является одним из самых дешевых и экологически чистых ресурсов, и важно создавать дешевые и перспективные солнечные элементы на основе неорганических и органических полупроводниковых материалов.

Во всем мире ведутся исследования по созданию и производству новых солнечных элементов на основе полупроводниковых полимеров и красителей на основе фталоцианинов. В связи с этим выделяется большое внимание на использование солнечных элементов на основе фталоцианиновых красителей, также полупроводниковых полимерных материалов содержащих атомы металлов и неметаллов, неорганических и органических полупроводников, они доступны благодаря их гибкой простой структуре, экологичности, экономичности, технической безопасности, а также созданию супернанокомпозиционных и их использованию в качестве полупроводниковых соединений, заменяющих оксиды индия и таллия.

В целях развития химической промышленности в нашей стране достигаются определенные научные и практические результаты в производстве новых видов полупроводниковых соединений, отвечающих современным требованиям. Некоторые результаты достигнуты в области неорганических и органических полупроводниковых материалов, также красителей, чувствительных к солнечному свету. Поэтому принимаются масштабные меры по обеспечению внутреннего рынка импортозамещающей отечественной продукцией. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «освоение производства принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивающих конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и внешнем рынках»¹. В связи с этим важно создание экономичных и экологически безопасных технологий производства полупроводниковых красителей, чувствительных к солнечному свету, в том числе анилина и фталоцианина, с помощью которых можно улучшить эксплуатационные свойства конструкций солнечных элементов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе и постановлении Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» и ПП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышению ее

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республике Узбекистан»

инвестиционной привлекательности» и ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики: VII. «Химическая технология и нанотехнологии» и II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В мире в области синтеза полупроводниковых полимеров и металлоорганических комплексных красочных материалов и создания на их основе новых красителей чувствительных к солнечному свету, провели научные исследование ряд ученые, такие как Милакин К.А., Коровин А.Н., Фарис Йылмаз, Хидэки Ширакова, Алан Зегер, Алан Мак-Диармид, Т.В. Верницкая, О.Н. Ефимов, Манохар, Сяору Гоу, Ганьхуа Лу, Джунхонг Чен, Найлянг Янг, Андрев Т. Смитс, Анна Мари Ла Шанс, Соншан Цэн, А.Т.Дидейкин, Александр Юрьевич Вул, Хандан Айдын, Хамит Ализ, Джихат Айдын, Килимник А.Б., Михаил Грецель, Брейн Ореган, Кондракова Е.Ю., А.Т.Джалилов, С.Ш.Рашидова, Х.Х.Тураев, Х.С.Бекназаров, А.Т.Тиллаев и другие, внесли значительный вклад своими научными исследованиями.

В результате своих исследований эти ученые провели ряд исследований по синтезу полупроводниковых полимеров и фталоцианиновых комплексов, содержащих атомы металлов и неметаллов, а также в технологии производства красочных материалов, содержащих сложные ароматические лиганды, мочевины, фталевый ангидрид, фосфор, азот, кремний и галогены.

